

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 2

Бухоро шаҳри

«27» январь 2022 йил

« SHAVKAT OZODBEK FAYZ» F/X кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади. Ўзининг Устави асосида иш юритувчи Бомуродов Ш номидан, бир томондан ва РШТЎИМ Бухоро филиали, кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг Устави асосида иш юритувчи Мусоев Т.Я. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар (маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар (маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

т/р	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Сариёғ 82,5%	кг	250	37000	9250000
2	Кук чой	кг	10	30000	300000
3	Товук гушти	кг	300	18000	5400000
4	Шолгом	кг	300	2000	600000
5	Карам	кг	500	5000	2500000
6	Зира	кг	5	40000	200000
7	Қуритилган сут	кг	250	21000	5250000
8	Ошқовок	кг	400	2000	800000
9	Гуруч (аланга)	кг	100	7800	780000
10	Лавлаги	кг	400	2000	800000
11	Гречка	кг	150	15000	2250000
12	Овсяные хлопья	кг	100	7500	750000
13	Пишлоқ	кг	150	30000	4500000
14	Қурук мева	кг	400	16000	6400000
15	Тухум	дона	2000	700	1400000
16	Перловка	кг	100	7000	700000
17	Мева қиёми(повидло)	литр	200	15000	3000000
18	Томатлар	кг	150	15000	2250000
19	Макарон	кг	200	6500	1300000
20	Сосискалар	кг	150	23000	3450000
21	Вафли	кг	100	15000	1500000
					53 380 000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил «31» январьгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **53 380 000 (Эллик уч миллион уч юз саксон минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори **16 014 000** сумни, яъни белгиланган сумманинг **30%** ни ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов **2022 йилнинг январь** ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **37 366 000** сўмни, яъни, қилинган сумманинг **70%** ни ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг **2022 йил “31” декабрьгача** амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага қўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпلامда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (махсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (махсулот)га бўлган қароқат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган қунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган қунига тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома Газначилик рўйхатидан ўтгандан сўнг қонуний қучга қиради ҳамда **2022 йил «31» декабр**гача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик қучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ ҚУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январь Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 122 – моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва қарат у амалга оширилгандан кейин қучга қиради назарда тутилган

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро туманлараро иктисодий судида хал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

« SHAVKAT OZODBEK FAYZ» F/X

Ромитан т.Хужабон МФЙ Хужабон к/к

Х/р: 20208000700941353001

Ромитон т.ТИФ Миллий банки Ром ф.

МФО: 00943 ИНН: 305836664

ОКОНХ:

Тел: 91,246-52-20

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

РШТЁИМ Бухоро филиали

Бухоро ш. Б.Накшбанд кучаси №159 уй

Тел/факс: 225-20-20, 225-22-92

Ш х/в: 100021860064017073102054001

Бюджетдан маблаг олувчи ИНН: 201512013

ОКОНХ: 91511

Бухоро Вилоят Газначилик бошқармаси

Газна х/в: 23402000300100001010

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош
бошқармаси ХКК

МФО: 00014

Газначилик булинмаси ИНН: 201122919



Директор

Бомуродов Ш

М.У.



Директор

Мусоев Т.Я.

Хуқуқшунос:

Кадиров Ж

Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси: РБ №868407 от 15.07.1989й